



" 4 " декаб 20 18 у. № 13

**Меҳнат ресурслари ҳисобот балансини ҳисоблаш бўйича
услугий Низомни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунининг 5¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги “Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1011-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Меҳнат ресурслари ҳисобот балансини ҳисоблаш бўйича услубий Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2012 йил 28 майдаги 7-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор 2018 йил 10 майдан кучга киради.

Раис

Б.Бегалов

Меҳнат ресурслари ҳисобот балансини ҳисоблаш бўйича услугий Низом

Услугий Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги “Ишга жойлаштиришга мухтож аҳоли сонини аниклаш, шу жумладан, уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1011-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, меҳнат ресурслари ҳисобот балансини ҳисоблаш тартибини белгилайди.

Услугий Низом Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан белгиланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикасида иш билан таъминлаш ва меҳнат бозорининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади.

Мазкур услубий Низом, республика ва ҳудудий даражада давлат статистика органлари томонидан меҳнат ресурслари ҳисобот балансини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун мўлжалланган.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу услубий Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

меҳнат ресурслари баланси - меҳнат ресурслари сони ва таркиби мавжудлигини ҳамда уларни меҳнат билан банд бўлган фуқаролар, ишсизлар ва иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли бўйича тақсимланишини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими;

меҳнат ресурслари - меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги меҳнат билан банд бўлган шахслар;

меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли – ишламаётган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларидан ҳамда ёшига кўра имтиёзли шартларда пенсия олувчи шахслардан ташқари, меҳнатга лаёқатли ёшдаги (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар) шахслар;

иқтисодий фаол аҳоли – меҳнат билан банд бўлган фуқаролар ва ишсизлар;

меҳнат билан банд бўлган фуқаролар:

а) ёлланиб ишлаётганлар, шу жумладан ишларни тўлиқ бўлмаган иш вақти мобайнида ёки уйда иш ҳақи олиб бажараётган, шунингдек, ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар;

б) касаллик, таътил, қайта тайёргарлик, малака ошириш, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб туриши туфайли, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинчалик ишда бўлмаган ходим учун иш жойи сақланиб қоладиган бошқа ҳолатларда иш жойида вақтинчалик бўлмаган фуқаролар;

в) ҳақ тўланадиган лавозимга сайланган ёки тайинланган фуқаролар;

г) ўзини мустақил равишда иш билан таъминловчи фуқаролар, жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар, ҳунармандлар, деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш кооперативлари аъзолари, фермерлар ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчилар;

д) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, жумладан, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати кўшинларида хизматни, шунингдек, муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар ва бошқалар;

е) нодавлат нотижорат ташкилотларида, шу жумладан, ўз фаолиятини қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган диний ташкилотларда ишловчилар;

ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли (ишсизлар) – қонун ҳужжатларига мувофиқ расман ишсиз сифатида рўйхатдан ўтказилган шахслар, шунингдек ҳақ тўланадиган ишга ёки даромад келтирувчи машғулотга эга бўлмаган, мустақил равишда иш изловчи ва бундай иш таклиф этилса, ишга жойлашишга тайёр бўлган меҳнатга лаёқатли ёшдаги вақтинча меҳнат билан банд бўлмаган шахслар;

расмий равишда рўйхатга олинган ишсизлар – 16 ёшдан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олиш ёшигача бўлган, иш, иш ҳақи ва даромадга эга бўлмаган, меҳнат органларида иш қидирувчи, ишлашга, касб бўйича тайёргарликдан ва қайта тайёргарликдан ўтишга, малака оширишга тайёр шахс сифатида рўйхатга олинган шахслар;

иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли - меҳнат билан банд деб ҳисобланмайдиган шахслар, шу жумладан:

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ўқувчилар ва талабалар;

уй бекалари ва болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ишламаётган аёллар;

ихтиёрий равишда меҳнат билан банд бўлмаган шахслар.

II. Меҳнат ресурслари ҳисобот балансининг тузилиши ва унинг таркибий қисмларини ҳисоблаш

2. Меҳнат ресурслари ҳисобот баланси – икки қисмдан, яъни ресурс ҳамда тақсимланадиган қисмлардан иборат.

Биринчи қисм – меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва уларнинг шаклланиш манбаларини тавсифлаб беради.

Иккинчи қисм – меҳнат ресурсларининг қуйидаги тоифаларга тақсимланиши: иқтисодиётда банд бўлганлар; ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган меҳнатга лаёқатли ёшдаги ўқувчилар ва талабалар; иқтисодиётда банд бўлмаган, меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли.

Меҳнат ресурслари ҳисобот балансининг тузилиши ушбу услубий Низомнинг 1-иловасида келтирилган.

3. Меҳнат ресурслари ҳисобот балансининг биринчи қисмини тузишда қуйидаги маълумотлардан фойдаланилади:

меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони тўғрисидаги жорий демографик маълумотлар;

иш билан банд бўлмаган ногиронлар ва имтиёзли шартларда пенсия олаётган шахслар тўғрисида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари маълумотлари.

Иқтисодиётда банд бўлган меҳнатга лаёқатли ёшдан катта шахслар ва ўсмирлар сони тўғрисидаги маълумотларни ҳисоблаш 2-иловага мувофиқ амалга оширилади.

4. Меҳнат ресурслари ҳисобот балансининг иккинчи бўлимини тузишда қуйидаги манбалардан фойдаланилади:

корхона ва ташкилотларда ишловчилар сони тўғрисидаги маълумотлар;

бандлик масалалари бўйича ўрганишлар маълумотлари;

солиқ органларининг маълумотлари;

меҳнат органларининг бандлик масалалари бўйича ҳар чоракда амалга оширадиган ўрганишлари асосида иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганлар сони тўғрисидаги маълумотлар;

давлат статистика ҳисоботларининг ўқув муассасаларида кундузги таълим йўналишида таълим олаётганлар сони тўғрисидаги маълумотлари.

Ушбу кўрсаткичлар 3-6-иловаларга мувофиқ ҳисобланади.

III. Меҳнат ресурслари сонини ҳисоблаб чиқиш тартиби

5. **Меҳнат ресурслари сони** меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ва меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишловчилар сони йиғиндиси сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$LR = WAPM + WTP, \text{ бунда:}$$

LR - меҳнат ресурслари;

WAPM - меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли;

WTP - ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар) сонидан меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишламаётган I ва II гуруҳ

ногиронлари, шунингдек ёшига кўра имтиёзли шартларда пенсия олаётган меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар сонини чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади (7-илова):

$$WAPM = M_p(16 - 59) + W_p(16 - 54) - I_p - PP, \text{ бунда:}$$

$M_p(16 - 59)$ - 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар;

$W_p(16 - 54)$ - 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар;

I_p - меҳнатга лаёқатли ёшдаги I ва II гуруҳ ногиронлари;

PP - имтиёзли шартларда пенсия олаётган меҳнатга лаёқатли ёшдаги пенсионерлар.

Ахборот манбаи:

$M_p(16 - 59)$, $W_p(16 - 54)$ - статистика органларининг маълумотлари;

I_p - бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари;

PP - бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари.

WTP - статистика органлари ва Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маълумотлари.

Ушбу кўрсаткичлар 9-иловага мувофиқ ҳисобланади.

Меҳнат ресурслари сонини аниқлаш манбаи бўлиб қуйидагилар ҳисобланади – аҳолининг ёш ва жинс таркиби тўғрисидаги ҳамда юридик шахсларда банд бўлган ўсмирлар сони ҳақидаги статистика органлари маълумотлари; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ногиронлар, имтиёзли шартларда пенсия олаётган пенсионерлар, меҳнатга лаёқатли ёшдан катта бўлган ишловчи пенсионерлар тўғрисидаги маълумотлари.

6. Меҳнат билан банд бўлганлар сонини аниқлаш.

Меҳнат билан бандлар сони қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$E = EO_s + EI_s + LM, \text{ бунда:}$$

EO_s - иқтисодиётнинг расмий секторида меҳнат билан бандлар;

EI_s - иқтисодиётнинг норасмий секторида меҳнат билан бандлар;

LM - мигрант меҳнатчилар - чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллардаги Ўзбекистон Республикаси ваколатхоналарида ишловчилардан ташқари.

Ахборот манбаи:

EO_s – статистика, солиқ ва меҳнат органлари маълумотлари;

EI_s - Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг бандлик масалалари бўйича ўрганишлар маълумотлари;

LM - ички ишлар, божхона органларининг ҳамда меҳнат органлари томонидан бандлик масалалари бўйича ўтказиладиган ўрганишларнинг маълумотлари.

7. Норасмий секторда банд бўлганлар сонини аниқлаш.

Иқтисодиётнинг норасмий секторида меҳнат билан банд бўлганлар жумласига солиқ органларида ҳисобга турмаган қуйидаги шахслар киради:

давлат ижтимоий суғурта бадали тўламасдан ҳақиқатда деҳқон хўжаликларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган деҳқон хўжаликлари аъзолари;

уйда пулли хизматлар кўрсатиш бўйича меҳнат муносабатларини расмийлаштирмаган тадбиркорларда (энагалар, уй хизматчилари, уй ошпазлари, автомобиль ҳайдовчилар, қоровуллар ва бошқалар) ёлланиб ишлаш билан мустақил банд бўлган шахслар;

тадбиркорларга ёлланиб ишловчи шахслар, шу жумладан уларнинг оила аъзолари ҳамда давлат ижтимоий суғурта бадали тўловисиз ва меҳнат муносабатлари расмийлаштирилмаган жисмоний шахслар (курувчилар, юк ташувчилар, фаррошлар, ишчилар ва бошқалар).

Иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлик мезонларига қуйидагилар киради:

ҳафтасига камида икки соат иқтисодиётнинг норасмий секторида ҳақ тўланадиган ҳар қандай фаолият тури билан бандлик;

бандлик мунтазамлиги - иқтисодиётнинг норасмий секторидаги бандликдан тушган ҳар ҳафталик даромаднинг мавжудлиги;

шахсий ёрдамчи хўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган уй хўжалиги бошқарувидаги ер майдонининг мавжудлиги.

8. Меҳнат фаолиятини чет элда амалга ошираётган шахслар сонини аниқлаш.

Меҳнат ресурсларини ҳисоблаб чиқишда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслар сони ҳисобга олинади. Уларнинг сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида" 2007 йил 15 майдаги 97-сон қарори билан тасдиқланган Схема бўйича, қуйидагиларни ўз ичига олувчи интеграциялашган ахборотлар модули асосида аниқланади:

- а) чет элга кетганларнинг сони ва мақсади тўғрисидаги маълумотлар;
- б) аҳоли ҳисобини юритиш бўйича ички ишлар органлари маълумотлари;
- в) меҳнат фаолиятини чет элда амалга ошириш учун фуқароларга Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан берилган рухсатномалар маълумотлари;
- г) чет элдаги консуллик муассасаларидан олинган маълумотлар;
- д) уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар.

9. Расмий секторда банд бўлганлар сонини аниқлаш.

Иқтисодийнинг расмий секторида меҳнат билан банд бўлганлар сони давлат статистика ҳисоботи, давлат ижтимоий суғурта бадали тўловчиларнинг давлат солиқ ҳисоби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари бўйича аниқланади.

Иқтисодийнинг расмий секторида меҳнат билан банд бўлганлар жумласига қуйидагилар киради:

давлат ижтимоий суғурта бадали тўлови бўйича корхона, муассаса ва ташкилотларнинг солиқ ҳисоботларида қайд этилган шахслар;

якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжалиги аъзолари, қорамол ўстириш билан банд бўлган ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлганлар, ҳамда давлат ижтимоий суғурта бадали тўловини мажбурий ёки ихтиёрий равишда амалга ошираётган шахсий ёрдамчи хўжаликларда бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан банд бўлганлар.

10. Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли сонини аниқлаш.

Ишга жойлаштиришга муҳтож, меҳнат билан банд бўлмаган шахслар (ишсизлар) сони меҳнат ресурслари сонидан меҳнат билан бандлар сонини ва иқтисодий фаол бўлмаганлар сонини чиқариб ташлаган ҳолда қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$U = LR - E - EIP, \text{ бунда:}$$

U - ишга жойлаштиришга муҳтож, меҳнат билан банд бўлмаган шахслар (ишсизлар);

LR - меҳнат ресурслари;

E - меҳнат билан банд бўлган фуқаролар;

EIP - иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли.

11. Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли сонини аниқлаш.

Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$EIP = PS + IW + VUP, \text{ бунда:}$$

EIP - иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли;

PS - ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган ўқувчилар ва талабалар;

IW - болаларни парвариш қилаётган ишламайдиган аёллар;

VUP - уй бекалари ва мустақил равишда иш билан банд бўлмаган шахслар, шунингдек, кўчар ва кўчмас мулкдан даромад оладиган ишламайдиган шахслар.

Ахборот манбалари:

PS - статистика органларининг маълумотлари;

IW - статистика органларининг ҳисобланган маълумотлари;

VUP - меҳнат органлари томонидан меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар маълумотлари.

12. Мустақил равишда иш қидираётган шахслар сонини аниқлаш.

Мустақил равишда иш қидираётганлар сони ишга жойлаштиришга эҳтиёж сезадиган аҳолининг ҳисобланган сонидан ҳисобот даври охиридаги ҳолати бўйича туман ва шаҳарлар Бандликка кўмаклашиш марказларида расман ишсизлар сифатида рўйхатдан ўтказилган шахслар сонини чиқариб ташлаш йўли билан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$US = U - UO, \text{ бунда:}$$

US - иш билан банд бўлмаганлар, мустақил равишда иш қидираётганлар;

U - ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли (ишсизлар);

UO - ишга жойлаштиришга муҳтож бўлганларни аниқлаш пайтида расман рўйхатдан ўтказилган ишсизлар.

Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказлари маълумотлари расман рўйхатдан ўтказилган ишсизлар бўйича ахборот олиш манбаи ҳисобланади.

IV. Меҳнат ресурслари ҳисобот балансини ҳисоблаш учун маълумотлар базаси

13. Меҳнат ресурслари ҳисобот балансини ҳисоблаб чиқишда, маълумотлар базаси сифатида Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари, Давлат солиқ қўмитасининг идоравий маълумотлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг идоравий ва бандлик масалалари бўйича ўрганишлар натижаларидан фойдаланилади.

V. Якуний қоидалар

14. Меҳнат ресурслари ҳисобот баланси, Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар йил якуни бўйича, Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган муддатларда, республика, ҳудудлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқилади.

Меҳнат ресурслари ҳисобот баланси, йиллик давлат статистика ҳисоботларининг аниқлаштирилган маълумотларини ҳисобга олган ҳолда, ҳисоб-китоб баланслари маълумотларига асосланади.

Маълумот учун фойдаланилган ахборотлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таминлаш тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги “Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1011-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 15 майдаги “Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 97-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралдаги “Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 46-сон Қарори.
6. “Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари”/Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази/Тошкент, 2008.
7. «Методологические положения по статистике»/Росстат/Выпуск четвертый/Москва, 2003.
8. Статистика международной миграции/Практическое руководство для стран Восточной Европы и Центральной Азии/ООН/Нью-Йорк и Женева, 2011.
9. Руководство по измерению параметров экономически активного населения при переписях/ООН/Нью-Йорк, 2010.
10. Система национальных счетов 1993/КЕС, МВФ, ОЭСР, ООН/Нью-Йорк, 1998.
11. Система национальных счетов 2008/ОЭСР, ООН/Нью-Йорк, 2009.

Меҳнат ресурслари
ҳисобот балансини ҳисоблаш
бўйича услубий Низомга
1-илова

Меҳнат ресурслари баланси ҳисоби
20____ йил учун ўртача

(минг киши)

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Жами	шу жумладан:	
			шаҳар	қишлоқ
А	Б	1	2	3
01	Доимий аҳоли сони			
	шу жумладан:			
02	меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли			
03	Меҳнат ресурслари сони (04 сатр + 05 сатр)			
	шу жумладан:			
04	меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли			
05	ишловчи пенсионерлар ва ўсмирлар			
06	Иқтисодий фаол аҳоли (07 сатр + 30 сатр)			
07	Иқтисодиёт тармоқларида бандлар сони, жами (08 - 28 сатрлар йиғиндиси)			
	шу жумладан:			
08	қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги			
09	тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш			
10	ишлаб чиқарадиган саноат			
11	электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш			
12	сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш			
13	қурилиш			
14	улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш			
15	ташиш ва сақлаш			
16	яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар			
17	ахборот ва алоқа			
18	молиявий ва суғурта фаолияти			
19	кўчмас мулк билан операциялар			
20	профессионал, илмий ва техник фаолият			
21	бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш			
22	давлат бошқаруви ва мудофаа; мажбурий ижтимоий таъминот			
23	таълим			
24	соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш			
25	санъат, қўнғил очиш ва дам олиш			
26	бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш			
27	уй хизматчилари ёлловчи ва ўз истеъмоли учун товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи уй хўжаликлари фаолияти			

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Жами	шу жумладан:	
			шаҳар	қишлоқ
28	экстерриториал ташкилотлар фаолияти			
29	Дехқон хўжаликларида бандлар (08-сатрдан)			
30	Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли (ишсизлар)			
31	шундан: ишсиз сифатида расман рўйхатдан ўтганлар			
32	Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли (33 + 34 + 35 сатрлар)			
	шу жумладан:			
33	ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган ўқувчилар ва талабалар			
34	туғруқ таътилидаги ёки 3 ёшгача болаларини парвариш қилувчи ишламайдиган аёллар			
35	ихтиёрий равишда меҳнат билан банд бўлмаган шахслар ва уй бекалари			

Изоҳ: меҳнат ресурслари балансини ҳисоблашда, маълумотларни шаҳар ва қишлоқ жойларига ажратиш корхона (ташкилот) ва идораларнинг ҳисоботлари асосида амалга оширилади.

Меҳнат ресурслари
ҳисобот балансини ҳисоблаш
бўйича услубий Низомга
2-илова

**Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган
меҳнат ёшидан катта шахслар ва ўсмирлар сонини ҳисоблаш
20____ йил учун ўртача**

(минг киши)

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Жами	шу жумладан	
			шаҳар	қишлоқ
А	Б	1	2	3
01	Меҳнат ёшидан катта шахслар ва ўсмирлар, жами (02 сатр + 03 сатр + 04 сатр)			
	шундан:			
02	меҳнат ёшидан катта ёшдаги ишлаётган шахслар (1-ijtimoiy shakli (йиллик))*			
03	ишлаётган ўсмирлар (1-mehnat shakli (йиллик))			
04	Якка тартибдаги фаолиятда банд (такрорий бандликсиз) меҳнат ёшидан катта ёшдаги шахслар			

Меҳнат ёшидан катта шахслар ва ўсмирлар сонига 60 ёш ва ундан катта эркалар, 55 ёш ва ундан катта аёллар ва барча жинсдаги 16 ёшдан кичик ёшдаги ўсмирлар киритилган.

*) 20____ й. 1 январь ва 20____ й. 1 январь ҳолатига бўлган маълумотлар йиғиндисининг иккига бўлинмасы.

Меҳнат ресурслари
хисобот балансини ҳисоблаш
бўйича услубий Низомга
3-илова

**Меҳнатга лаёқатли ёшдаги, ишлаб чиқаришдан ажралган
ҳолда таълим олаётганлар сонини ҳисоблаш
20___ йил учун ўртача**

(минг киши)

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Жами	шу жумладан:	
			шаҳар	қишлоқ
А	Б	1	2	3
01	Умумтаълим муассасалари ўқувчилари сони (4-иловининг 03-сатри)			
02	Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари сони (5-иловининг 03-сатри)			
03	Олий таълим муассасалари талабалари сони (6-иловининг 03-сатри)			
04	20__ йил учун ўртача (ушбу жадвалнинг 01- 03 сатрлари йиғиндиси)			

Меҳнат ресурслари
ҳисобот балансини ҳисоблаш
бўйича услубий Низомга
4-илова

**Меҳнатга лаёқатли ёшдаги умумтаълим муассасалари
ўқувчилари сонини ҳисоблаш***
20___ йил учун ўртача

(минг киши)

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Жами	шу жумладан	
			шаҳар	қишлоқ
А	Б	1	2	3
01	20___/20___ ўқув йили бошига (ўтган йил учун ушбу жадвалнинг 02-сатри)			
02	20___/20___ ўқув йили бошига (20___/20___ ўқув йили бошига 2-ta'lim (UO'T) шакли (йиллик))			
03	20___ йил учун ўртача сони (ушбу жадвал бўйича (01 сатр + 02 сатр) / 2)			

*) Ўқувчиларнинг ёши бўйича таркиби ҳисобот давридан кейинги йилнинг 1 январь ҳолатига кўрсатилади.

Масалан: Ҳисобот 2016/2017 ўқув йили учун тузилган. Ушбу ҳолатда ўқувчиларнинг ёши 2017 йил 1 январь ҳолатига кўрсатилади.

Меҳнат ресурслари
ҳисобот балансини ҳисоблаш
бўйича услубий Низомга
5-илова

**Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари
ўқувчилари сонини ҳисоблаш
20____ йил учун ўртача**

(минг киши)

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Жами	шу жумладан:	
			шаҳар	қишлоқ
А	Б	1	2	3
01	20____/20____ ўқув йили бошига (ўтган йил учун ушбу жадвалнинг 02 сатри)			
02	20____/20____ ўқув йили бошига (20____/20____ ўқув йили бошига 3-ta'lim (О'МКНТ) шакли (йиллик))			
03	20____ йил учун ўртача сони (ушбу жадвал бўйича (01 сатр + 02 сатр) / 2)			

Меҳнат ресурслари
ҳисобот балансини ҳисоблаш
бўйича услубий Низомга
6-илова

Олий таълим муассасалари талабалари сонини ҳисоблаш
20____ йил учун ўртача

(минг киши)

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Жами	шу жумладан:	
			шаҳар	қишлоқ
А	Б	1	2	3
01	20____/20____ ўқув йили бошига (ўтган йил учун ушбу жадвалнинг 02-сатри)			
02	20____/20____ ўқув йили бошига (20____/20____ ўқув йили бошига 4-ta'lim (ОТ) шакли (йиллик)), кундузги таълим			
03	20____ йил учун ўртача сони (ушбу жадвал бўйича (01 сатр + 02 сатр) / 2)			

Меҳнат ресурслари
ҳисобот балансини ҳисоблаш
бўйича услубий Низомга
7-илова

**Меҳнатга лаёқатли ёшдаги
меҳнатга лаёқатли аҳоли сонини ҳисоблаш
20__ йил учун ўртача**

(минг киши)

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Жами	шу жумладан:	
			шаҳар	қишлоқ
А	Б	1	2	3
01	Меҳнатга лаёқатли ёшдаги доимий аҳоли сони*			
02	Меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишламайдиган 1- ва 2- гуруҳ ногиронлари – жами (03 сатр + 04 сатр)			
	шу жумладан:			
03	меҳнат ногиронлари (8-илованинг 07-сатри)			
04	ҳарбий хизматчи ногиронлар (8-илованинг 15-сатри)			
05	Меҳнатга лаёқатли ёшдаги ёшига кўра имтиёзли шартларда пенсия олаётган ишламаётган пензионерлар сони (9-илованинг 07-сатри)			
06	Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони (ушбу жадвал бўйича 01 сатр – 02 сатр – 05 сатр + 07 сатр + 08 сатр)			
07	Ишлаётганлар сони бўйича мայтликли миграция			
08	Ўқувчилар сони бўйича мейтликли миграция			

*) 20__й. 1 январь ва 20__й. 1 январь ҳолатига бўлган маълумотлар
йиғиндисининг иккига бўлинмасы.

Мехнат ресурслари
ҳисобот балансини ҳисоблаш
бўйича услубий Низомга
8-илова

**Мехнатга лаёқатли ёшдаги ишламаётган 1- ва 2- гуруҳ
меҳнат ногиронлари ва ҳарбий хизматчи ногиронлар сонини ҳисоблаш
20___ йил учун ўртача**

(минг киши)

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Жами	шу жумладан:	
			шаҳар	қишлоқ
А	Б	1	2	3
01	Жами 1- ва 2- гуруҳ меҳнат ногиронлари (20___ йил учун 1-йўлдош шакли (йиллик))			
	шу жумладан:			
02	ишлаётганлар (20___ йил учун 1-йўлдош шакли (йиллик))			
03	ишламаётганлар (ушбу жадвал бўйича 01 сатр – 02 сатр)			
04	Мехнатга лаёқатли ёшда бўлмаган ишламаётган 1- ва 2-гуруҳ меҳнат ногиронлари			
	Мехнатга лаёқатли ёшдаги ишламаётган 1- ва 2-гуруҳ меҳнат ногиронлари:	X	X	X
05	20___ йил 1 январь ҳолатига			
06	20___ йил 1 январь ҳолатига (03 сатр–04 сатр)			
07	20___ йил учун ўртача (05 сатр + 06 сатр) / 2			
08	Қишлоқ жойларда яшаётган, ишламаётган 1- ва 2-гуруҳ меҳнат ногиронларининг жами ишламаётган 1- ва 2-гуруҳ меҳнат ногиронлари сонига нисбатан улуши (03-сатр 3-устун / 03-сатр 1-устун) x 100 (фоизда)	X	X	
09	1- ва 2- гуруҳ ҳарбий хизматчи ногиронлар, жами (20___ йил учун 1-йўлдош шакли (йиллик))			
	шу жумладан:			
10	ишлаётганлар (1-йўлдош шакли (йиллик))			
11	ишламаётганлар (09 сатр – 10 сатр)			
12	Мехнатга лаёқатли ёшда бўлмаган ишламаётган 1- ва 2-гуруҳ ҳарбий хизматчи ногиронлар			
	Мехнатга лаёқатли ёшдаги ишламаётган 1- ва 2-гуруҳ ҳарбий хизматчи ногиронлар:	X	X	X
13	20___ йил 1 январь ҳолатига			
14	20___ йил 1 январь ҳолатига (11 сатр–12 сатр)			
15	20___ йил учун ўртача (13 сатр + 14 сатр) / 2			
16	Қишлоқ жойларда яшаётган, ишламаётган 1- ва 2-гуруҳ ҳарбий хизматчи ногиронларнинг жами ишламаётган 1- ва 2-гуруҳ ҳарбий хизматчи ногиронлари сонига нисбатан улуши (11-сатр 3-устун / 11-сатр 1-устун) x 100 (фоизда)	X	X	

Меҳнат ресурслари
ҳисобот балансини ҳисоблаш
бўйича услубий Низомга
9-илова

**Меҳнатга лаёқатли ёшдаги ёшига кўра имтиёзли шартларда пенсия
олаётган ишламаётган пенсионерлар сонини ҳисоблаш
20__йил учун ўртача**

(минг киши)

Т/р	Кўрсаткичларнинг номи	Жами	шу жумладан:	
			шаҳар	қишлоқ
А	Б	1	2	3
01	20__ йил 1 январь ҳолатига ёшига кўра имтиёзли шартларда пенсия олаётган пенсионерлар, жами (1-ijtimoiy шакли (йиллик))			
	шу жумладан:			
02	ишлаётганлар (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг маълумотлари)			
03	ишламаётганлар (01 сатр – 02 сатр)			
04	Меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишламаётган пенсионерларнинг ёшига кўра имтиёзли шартларда пенсия олаётган ишламаётган пенсионерлар умумий сонига нисбатан улуши – фоизда (ўтган йил учун ушбу жадвалнинг 1-устун 04-сатри)		X	X
	Меҳнатга лаёқатли ёшдаги ёшига кўра имтиёзли шартларда пенсия олаётган ишламаётган пенсионерлар сони:	X	X	X
05	20__ йил 1 январь ҳолатига (ўтган йил учун ушбу жадвалнинг 06-сатри)			
06	20__ йил 1 январь ҳолатига	1)*	3)*	2)*
07	20__ йил учун ўртача ((05 сатр + 06 сатр) / 2)			
08	Қишлоқ жойларда яшаётган, ёшига кўра имтиёзли шартларда пенсия олаётган ишламаётган меҳнатга лаёқатли ёшдаги пенсионерларнинг улуши, фоизда (ўтган йил учун ушбу жадвалнинг 3-устун 08-сатри)	X	X	

1)* 1-устун 03 сатр x 1-устун 04 сатр / 100

2)* 1-устун 06 сатр x 3-устун 08 сатр / 100

3)* 1 устун – 3 устун